

ҚЎЗИЛАТИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ҚЎЗИЛАР ТИРИК ВАЗНИ ВА ЖУН ТОЛАСИ УЗУНЛИГИГА ТАЪСИРИ

Турганбаев Р.У., Пирманова. М.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Аннотация. Ушбу мақолада қўзилатиш муддатларининг қўзилар тирик вазни ва жун толаси узунлигига таъсири ўргаиланган бўлиб, турли муддатлардаги қўзилатиш даврларида фарқланишлар таҳлил қилинган ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар. Қўзилатиш, муддат, тирик вазн, жун толаси узунлиги, фарқи.

Abstract. This article examines the effect of lambing timing on the live weight and length of wool fiber of lambs, analyzes the differences in lambing timing of different periods, and draws conclusions.

Key words. Lambing, duration, live weight, wool fiber length, difference.

Қириш. Қорақўлчилик соҳасида бугунги кунда тери сифатига эътибор қартиш ва селекция ишларини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Қорақалпоғистон республикасида соҳани ривожлантиришда асосий муаммолардан бири иқлим шароитининг қурғоқчилик келиши, натижада қорақўлчиликда қўзилатишнинг озуқа танқислигидир. Шу ўринда инқирозга учраган яйловларни яхшилаш, сув манбалари ташкил этиш ишларини амалга ошириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь ПФ-60 сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармонида «...**32-мақсад:** Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини 1,5-2 баробарга ошириш. Чорва моллари бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш...» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда чорвачилик, хусусан қорақўлчилик соҳасидан олинган маҳсулотлар миқдорини ошириш технологияларини ишлаб чиқиш орқали сур қорақўл териларини, гўшт, жун ва сут ишлаб чиқариш миқдорини ошириш йўналишидаги тадқиқотлар долзарб ҳисобланади. Айтиш ўринлики, республика Президенти ва ҳукуматининг эътибори натижасида соҳа йилдан-йилга ривожланиб бормоқда ва унинг халқ хўжалигида тутган ўрни мустаҳкамланмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақўлчиликда қўзилатиш муддатларининг тери сифатига таъсирини ўрганиш ва қўзилатишнинг оптимал муддатларини тавсия қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қорақўл қўйлари, қўзилар, қорақўл терилари намуналаридан иборат.

Тадқиқот натижалари. Қорақўл қўзиларининг тирик вазни-бу асосий маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллардан биридир. Яъни қўзи қанча катта тирик вазнида туғилса, у шунча ташқи муҳит таъсирига


чидамли бўлади, жадал тирик вазн орттиради ва маълум даражада касалликка чидамли бўлади. Қўзиларнинг тирик оғирлиги бир қанча сбабларга боғлиқ равишда ўзгариб туриши мумкин. Булар жумласига қўйларнинг зоти, ёши, жинси, конституцияси, урчитиш ҳудуди, қўзининг она қорнида ривожланиши, совлиқнинг анатомик физиологик ҳолати ва бошқа омиллар киради. Бизнинг тажриба ишларимизда асосан, тирик вазн кўрсаткичларига қўзилатиш муддатларининг таъсири ўрганилиб, ушбу кўрсаткичлар 1-жадвалда ўз аксини топган.

1-жадвал

Қўзиларнинг тирик оғирлигининг қўзилатиш муддатларига боғлиқлиги, (кг)

Тўл олишнинг муддатлари	қўзилар сони	$X \pm Sx$	C, %
Эрта қўзилатиш	63	4,22+0,16	28,4
Ўрта давр	35	4,38+0,18	27,4
Кеч қўзилатиш	38	4,46+0,21	24,6

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тўл олишнинг эрта қўзилатиш даврида туғилган қоракўл қўзиларнинг тирик оғирлиги ўртача 4,22 кг ни ташкил этган бўлса, тўл олишнинг ўрта даврида 4,38+0,18 кг-ни ва кеч қўзилатишда 4,46+0,21 кг-ни ташкил қилди. Қўзилатиш муддатларининг тирк вазнига таъсири кўринган ҳолда, бундаги қўзилатиш муддатларида тирик вазн бўйича фарқланишлар мавжуд бўлиб, ушбу кўрсаткичлар 1- расмда келтирилган.



1-расм Қўзилатиш муддатларида тирик вазн бўйича фарқланишлар

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, тўл олишнинг эрта қўзилатиш даврида туғилган қоракўл қўзиларнинг тирик оғирлиги ўртача 4,22 кг ни ташкил этган бўлса, тўл олишнинг ўрта даврида 4,38±0,18 кг-ни ва кеч қўзилатишда 4,46±0,21 кг-ни ташкил қилди. Қўзилатиш муддатларининг тирк вазнига таъсири кўринган ҳолда, бундаги қўзилатиш муддатларида тирик вазн бўйича фарқланишлар мавжуд бўлиб, ушбу кўрсаткичлар 1- расмда келтирилган.

Эрта қўзилатиш муддатлари 100 % деб қабул қилинса, қолган даврлардаги фарқланишлар 1- расмда келтирилган бўлиб, ўрта даврда 3,8 %-га ва кеч қўзилатиш даврида эса, 5,7 %-га устунлик қилди.

Қўзилатиш муддатларининг қоракўл жун толасига таъсири ўрганилиб, ушбу кўрсаткичлар 2- жадвалда келтирилган.

2- жадвал

Жун толаси узунлигининг қўзилатиш муддатларига боғлиқлиги, мм.

Тўл олишнинг муддатлари	қўзилар сони	$X \pm S_x$	C, %
Эрта қўзилатиш	63	9,29±0,21	12,44
Ўрта давр	35	9,68±0,19	13,61
Кеч қўзилатиш	38	10,15±0,23	13,78

2-жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, эрта қўзилатиш даврида туғилган қўзиларда энг қисқа жун толалари эканлиги кузатилади, яъний 9,29±0,21 мм-ни ташкил этди. Ўрта даврдаги қўзилатишда қўзилар жун толаларининг думғаза қисмидаги ўртача узунлиги 9,68 миллиметрга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич кеч қўзилатиш даврида туғилган қўзиларда 10,15 миллиметрни ташкил этди.

Хулоса. Олинга тадқиқот маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, эрта туғилган қоракўл қўзиларда ўрта даврда ва кеч қўзилатиш даврига нисбатан тирик вазни бироз кам (3,8-5,7 %) бўлиб, жун толаси шунга мос равишда 0,6-0,9 мм-га кам бўлди. Ушбу кўрсаткичлар шундан далолат берадики, эрта туғилган қўзиларда жун толаси қисқалиги ҳисобига тери сифати юқори бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январ ПФ-60 сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони. Тошкент 2022 й.

2. Турганбаев Р.К. Астанкулов .А.Ф., Бекбаев, Х.А "Қоракўл қўйлари тирик вазни асосий селекция омиллари. Чорвачилик ва наслчилик иши. 2020. №4. 13-15-бетлар.

3. <http://www.lex.uz>.